



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PARVOZLAR XAVFSIZLIGINI
NAZORAT QILISH DAVLAT INSPEKTSIYASI BO'SHLIG'INING
BUYRUG'I**

**Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал
авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларининг (ЎЗР АҚ-91)
I боб биринчи параграфига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон “Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сон буйруғи (рўйхат рақами 1723, 2007 йил 29 сентябр) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларининг (ЎЗР АҚ-91) I боб биринчи параграфининг етмиш тўққизинчи хатбошидаги “Миллий” деган сўз “Давлат” деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Мазкур ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ҳамда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Т. Ўлжаев



Тошкент ш.,
2018 йил 19 июль,
1446 сон

